

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ КЕНГАШИННИГ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИННИГ

ҚҰШМА ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУЛЛАРИНИ ҚҰЛЛАБ-
ҚҰВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
ХАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ
ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУЛЛАРИНИ
ҚҰЛЛАБ-ҚҰВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ МАБЛАҒЛАРИНИ
БОШҚАРИШ БҮЙИЧА ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ
ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚҰШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши қарор қиладилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 10 июлда қабул қилинган 843-I/515-I-сонли Құшма қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини құллаб-қувватлаш жамоат фонди түғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 410-модда, № 9, 529-модда; 2014 йил, № 3, 84-модда) ўзгартиш ва құшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансын (1-илова).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 10 июлда қабул қилинган 843-I/515-I-сонли Құшма қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини құллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бүйича Парламент комиссияси түғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 410-модда; 2014 йил, № 3, 84-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансан (2-илова).

3. Ушбу Қўшма қарор тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг тасдифига киритилсан.

4. Ушбу Қўшма қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,

2015 йил 13 май,

132-III-сон

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
Н. Йўлдошев**

Тошкент ш.,

2015 йил 13 май,

КҚ-15-III-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Кенгашининг 2015 йил 13 майда қабул қилинган 132-III/КҚ-15-III-
сонли Қўшма қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги
Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик
жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш
жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент
комиссияси тўғрисида**

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади) нодавлат нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини (бундан буён матнда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари деб юритилади) ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда иштирок этишига кўмаклашиш мақсадида қонун хужжатларига мувофиқ ташкил этилади.

2. Парламент комиссияси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш жамоат фондининг (бундан буён матнда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди деб юритилади) васийлик кенгashi вазифаларини ҳам бажаради, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди фаолиятининг устувор йўналишларини шакллантиради, мазкур фаолият устидан назоратни амалга оширади.

3. Парламент комиссияси ўз фаолиятини амалдаги қонун хужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

II. Парламент комиссиясининг ваколатлари

4. Парламент комиссияси:

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларининг нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш учун тақсимланишини

ташкил этади, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ва давлат органларининг таклифларини ўрганиш асосида аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш дастурларини ишлаб чиқади;

Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди маблағларини тақсимлашда очиқлик ва шаффофликни таъминлайди, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ўтказилаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда, демократик қадриятларнинг, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда иштирок этиши масалаларини муҳокама қилишга жамоатчиликни жалб этади;

жойлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш учун маблағларнинг ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари хузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг (бундан буён матнда жамоат комиссиялари деб юритилади) буюртмалари асосида аниқлайди ҳамда тақсимлайди, ушбу комиссиялар фаолиятига услубий раҳбарликни таъминлайди;

Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, ушбу жамоат фонди томонидан молиялаштириладиган дастурлар ва лойиҳалар устидан назоратни (мониторингни) амалга оширади, ўз мажлисларида молиялаштираётган дастурлар ҳамда лойиҳалар амалга оширилишининг бориши ва натижалари тўғрисида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳисботларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотини эшитади, ижтимоий шерикликни янада ривожлантиришга доир зарур тавсияларни ишлаб чиқади ва топширади;

социал ва ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлигини чукурлаштиришга, ижтимоий ҳаётни демократлаштиришда

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини кучайтириш жараёнларига кўмаклашади;

ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини, жамоатчилик экспертизасини ташкил этишда давлат органларига ёрдам қўрсатади, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича тизимли иш олиб боради;

ижтимоий шериклик соҳасида қўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

ўз фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилади;

давлат субсидиялари ажратиш тартиби ва шартларини белгилайди;

нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат грантлари ажратиш тартиби ва шартларини белгилайди;

давлат ижтимоий буюртмасини тақдим этиш тартиби ва шартларини белгилайди;

Олдинги таҳрирга қаранг.

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ҳисобваракларида бўш маблағлар қолдиқлари сифатида жамланадиган, қайтарилган молиявий маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

қайтарилган бўш маблағларнинг қолдиқларини Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда тижорат банкларининг депозит ҳисобваракларига вақтинчалик жойлаштириш, шунингдек ҳисоблаб чиқариладиган фоизли депозит тўловларни сарфлаш тартиби ва шартларини белгилайди;

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди директори лавозимига номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Сенатининг Кенгаши қўриб чиқиши учун киритади;

Олий Мажлис хузуридаги Жамоат фонди фаолияти ва ривожланишининг ҳар йилги дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Парламент комиссияси қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5. Парламент комиссияси ваколатларига тааллуқли масалалар Олий Мажлис хузуридаги жамоат фондининг Ижро этувчи девонига ёки Тафтиш комиссиясига ҳал қилиш учун топширилиши мумкин эмас.

6. Парламент комиссияси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига бажарилган ишлар тўғрисида ахборот тақдим этади.

III. Парламент комиссиясининг тузилмаси ва комиссия фаолиятини бошқариш

7. Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ва комиссия аъзоларидан иборат бўлади. Парламент комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, адлия ва молия вазирликларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари киради.

8. Парламент комиссиясининг раиси:

Парламент комиссиясининг фаолиятига раҳбарлик қиласи;

Парламент комиссиясининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қиласи;

Парламент комиссиясининг иш режаси лойиҳаси тайёрланишини ташкил этади ва Парламент комиссиясининг тасдиқланган иш режаси бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

Парламент комиссияси қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг ижро этилишига доир ишларни ташкил этади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9. Раис ўринбосари Парламент комиссиясининг раиси йўқлигига унинг вазифасини бажариб туради, Парламент комиссияси томонидан белгиланадиган бошқа вазифаларни бажаради.

10. Парламент комиссиясининг масъул котиби Парламент комиссияси мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни амалга оширади, Парламент комиссияси мажлислари баённомаларини юритади, шунингдек Парламент комиссияси томонидан белгиланадиган бошқа вазифаларни бажаради.

11. Парламент комиссиясининг таркибини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан амалга оширилади.

Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Кенгашига ва Сенати Кенгашига раисни, раис ўринбосарини, масъул котибни, айрим аъзоларни муддатидан илгари вазифасидан озод этиш тўғрисидаги масалани Парламент комиссияси аъзолари умумий сонининг учдан икки қисмининг талабига кўра киритиши мумкин.

12. Парламент комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, масъул котиби ва аъзолари ўз вазифаларини жамоатчилик асосида бажаради.

Парламент комиссияси раисининг, раис ўринбосарининг, масъул котибининг ва аъзоларининг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатларининг ўрни уларнинг асосий иш жойидаги маблағлар ҳисобидан қопланади.

13. Парламент комиссияси қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун ишчи ва эксперт гуруҳларини тузиши мумкин. Бу гуруҳларнинг фаолияти Парламент комиссияси томонидан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширилади. Йўналишлар бўйича ишчи ва эксперт гуруҳларини тузишда ишга жалб этилаётган экспертларнинг касбий ва ҳаётий тажрибаси ҳисобга олинади.

14. Парламент комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Ижро этувчи девонининг ва Тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

IV. Парламент комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш

15. Парламент комиссиясининг мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади.

Парламент комиссиясининг мажлислари Парламент комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан

чақирилади, улар бу ҳақда комиссия аъзоларини, қоида тариқасида, камида икки кун аввал хабардор қилади.

Парламент комиссияси мажлисининг кун тартибига кўшиладиган масалалар Парламент комиссиясининг раиси, раис ўринbosари, масъул котиби ва аъзолари, шунингдек Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди директори томонидан киритилиши мумкин.

Парламент комиссиясининг мажлислари, агар уларда Парламент комиссияси аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатлидир.

Парламент комиссиясининг мажлисини Парламент комиссиясининг раиси ёки унинг ўринbosари олиб боради.

Парламент комиссиясининг мажлиси очик ўтказилади. Зарурат бўлганда Парламент комиссияси ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

16. Парламент комиссиясининг навбатдан ташқари мажлиси Парламент комиссияси раисининг ташаббуси билан, шунингдек Парламент комиссияси аъзоларининг ёки Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди Тафтиш комиссияси аъзоларининг ёзма талабига биноан чақирилади.

17. Парламент комиссиясининг аъзолари унинг мажлисларида ҳозир бўлиши шарт. Парламент комиссияси аъзолари Парламент комиссиясининг мажлисларида иштирок эта олмаслиги ҳақида Парламент комиссияси раисини ёки масъул котибини олдиндан ёзма равишда хабардор қилади.

18. Парламент комиссиясининг барча аъзолари тенг ҳукуқлардан фойдаланади, Парламент комиссиясининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

19. Парламент комиссиясининг қарори унинг мажлисида иштирок этаётган аъзоларнинг қўпчилик овози билан қабул қилинади. Мажлисда Парламент комиссиясининг масъул котиби томонидан баённома юритилади ва у раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Парламент комиссиясининг қарорлари Олий Мажлис хузуридаги жамоат фондининг Ижро этувчи девони ижро этиши учун мажбурийдир.

20. Парламент комиссиясининг мажлисларига давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг, илмий

муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот, телевидение, радио ва Ўзбекистоннинг бошқа оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилиши мумкин.

V. Парламент комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби

21. Парламент комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан киритилади.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Сенати Кенгашининг Парламент комиссиясини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қўшма қарори тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг мажлисларида тасдиқланиши керак.